

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура
мутахассислигининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университет;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи	4
1.2.1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
2.3. Касбий квалификациялар.....	7
3. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9

1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўллаирилиши.

Малака талаби **5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) – иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисоби фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобини юритиш, истикболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- аграр соҳа корхоналарининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлар тизими;
- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- иқтисодиётнинг тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида бухгалтерия ҳисоби фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- бухгалтерия ҳисоби соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни, микро ва макро иқтисодий маконда бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

1.2.3. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- ҳуқуқ-тартибот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Молиявий-иқтисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- бухгалтерия ҳисобининг миқдор ва сифат мезонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;

- бухгалтерия ҳисоби соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни тавсифлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш;

- бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш, давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириш;

- молия операциялари, молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Ҳуқуқ-тартибот фаолиятида:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг бухгалтерия ҳисоби ахборотлари хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шакллари химоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга қўмаклашиш;

- бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, иқтисодий таҳлил ва аудитни ўтказишга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш ҳамда коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, бухгалтерия ҳисоби соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

- қабул қилинадиган қарорларни бухгалтерия ҳисоби, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда

бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, инфор­мацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолиятдан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий ва танқидий кўриб чиқиш ҳамда таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият ва рақамли иқтисодиёт шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб

боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- бухгалтерия ҳисоби соҳаси бўйича аграр соҳа корхоналарида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда ҳисоб принципларини қўллай билиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфор­мацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, аграр соҳа бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- аграр соҳа бўйича бухгалтерия ҳисоби юритилишини таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

- аграр соҳа бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисоби соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малака­сига эга бўлиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий эспертизадан ўтказишни билиш.

2.3. Касбий квалификациялар:

Бухгалтер, бухгалтер-тафтишчи, аудитор, кассир, иқтисодчи, давлат солиқ инспектори-тафтишчиси, директор (раҳбари), тижорат директори, иқтисодчи-менежер, иқтисодчи-статистик, молиячи, молиявий таҳлилчи, иқтисодчи-молиячи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафтала­р кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган «Умумметодологик фанлар», «Мутахассислик фанлари» машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юк­ламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб

чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофик:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	60 %
<i>Шу жумладан: мустақил таълим</i>	30 %
Аттестациялар	18 %
Таътиллар	6 %
Илмий амалиёт (стажировка)	16 %

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, ички назорат, аудит, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, фан дастурлари, ишчи ўқув дастурлари, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш

Илова

**5A230901 – Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги
бўйича таълим дастурининг тузилиши**

T/p	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юklamанинг ҳажми, соатларда
1.00	Умумметодологик фанлар	240
1.01	Илмий-тадқиқот методологияси	60
1.02	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	60
1.03	Амалий хорижий тил	120
2.00	Мутахассислик фанлари	930
2.01	Молиявий ҳисоб	150
2.02	Бошқарув ҳисоби	150
2.03	Комплекс иқтисодий таҳлил	210
2.04	Амалий аудит	210
2.05	Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари	210
2.06	Танлов фанлари	630
	Жами:	1800
3.00	Илмий фаолият	1800
3.01	Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш	780
3.02	Илмий-методологик семинар	180
3.03	Илмий-педагогик амалиёт	360
3.04	Илмий ишлаб чиқариш амалиёти	480
	Жами:	3600
4.00	Атгестациялар	540
	ҲАММАСИ	4140

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я. Исламов

С.Я.Исламов

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор  Б.А.Сулаймонов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор  З.Хакимов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва
малака ошириш бўлими

Бошлиқ  Ш.Жоникулов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар
миллий ассоциацияси кенгаши

Раис  М.Тулаходжаева

2020 йил « 30 » июль



М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор  Мехмонов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

МЧЖ шаклидаги «Trans Audit-A»
аудиторлик ташкилоти










 У.Тўлаев

2020 йил « 30 » июль



М.Ў.

**5A230901-Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги
бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи
Ишчи гуруҳ таркиби**

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис			
1	Д.Мамадияров	Агрологистика ва бизнес факультети декани	
Аъзолари:			
2	Б.Менгликулов	Агрологистика ва бизнес факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
3	Р.Дусмуратов	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси мудири	
4	И.Давлетов	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси доценти	
5	А.Болтаев	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувачиси	
6	Э.Юсупов	Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси мудири	
7	З.Сиддиков	Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси доценти	
8	М.Саидов	Агрологистика кафедраси мудири	
9	З.Кушаров	Ахборот технологиялари ва математика кафедраси мудири, доцент	

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадр истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий
фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик(идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик(идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	Шифри	Номи	
1	5230 900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> – хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш; – бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит соҳаларига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўргана олиш; – мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш; – интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақида маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш; – илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш жараёнларида катнашиш; – бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг моҳиятини ўрганиш, концепциялар, тамойиллар ва мақсадларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; – даромад ва харажатлар шаклланиши, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, хўжадик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; – иқтисодий таҳлил усуллари, асосий воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги ва хўжалик юритувчи субъект рентабеллиги, хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш; – аудитнинг объекти, сифати ва соҳалари ҳамда аудит ўтказишни ташкил этиш; – аудитнинг миллий стандартларини, аудитни тартибга солишнинг қонуний ва меъёрий ҳужжатларини ўрганиш; – хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш – ички хўжалик назоратини ўрнатишда консалтинг хизматларни кўрсатиш ва маслаҳатлар

			<p>бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - хўжалик юритувчи субъектларни зарурий услубий материаллар билан таъминлаш; - хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хизмати ишини режалаштириш ва ташкил этиш; - ички аудит хизмати ишини режалаштириш; - ички аудит хизмати ишини амалга ошириш; - ташқи аудиторлик текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш; - бухгалтерия ҳисоби ва аудитда ахборот технологиялар тизимини яратиш вв улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш; - хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш; - самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш; - иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш.
2	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларига эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ишларини режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдалана олиш; - қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўрта ва узоқ муддатли молиявий бюджетларини тузиш; - қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий кўрсаткичларини баҳолаш; - қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолият даромад манбаларини шакллантириш; - фан ва техника ишланмаларини қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби хизмати амалиётига жорий этиш; - қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарорлигини ошириш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқа олиш; - қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширишда дастур ва режа лойиҳасини ишлаб чиқиш; - бажарилаётган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги амалий ишлар мавзуси бўйича иқтисодий моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; - намунавий бухгалтерия ҳисобига оид бошланғич ва йиғма ҳужжатларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва уларни амалиётга қўллаш, бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган шакллари (1С- Бухгалтерия, 1Uz бухгалтерия, Бухгалтерга

			<p>электрон мадад ва бошқа) билиш ва қўллай олиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> – илмий ва амалий фаолиятда бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш воситаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш; – бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва уни тақдим этиш; – аграр сектор корхоналарининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун молиявий ва иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш; – таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш; – молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда унинг қўшимча манбаларини шакллантиришни билиш, таҳлил қилиш, хулосалар бериш ва таклифларни ишлаб чиқиш; – бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш бўйича ахборот коммуникацион технологияларга асосланган дастурларни ишлаб чиқиш; – мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш; – ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар ишлаб чиқиш; – намунавий методикалар ва бошқалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш; – илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш; – ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш; – илмий семинарлар ва илмий жараёнда иштирок этиш; – илмий журналларда мақолалар чоп этиш; – бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларини режалаштириш, факулдада содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, бухгалтерлар гуруҳи жамоасини бошқариш; – e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш; – бухгалтерия иш сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; – бухгалтерия ишлари ва бухгалтерлик профессионал хизматларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган жараёнлар ва ресурсларини режалаштириш; – замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби хизмати мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва
--	--	--	--

			<p>механизмларини ишлаб чиқиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> – замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориш; – махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш; – бухгалтерия ҳисоби фанлари бўйича маъруза, амалий машғулотларни олиб бориши, ишлаб чиқариш малака амалиётларига раҳбарлик қилиш; ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурлар, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлаш; – талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиш; – ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
--	--	--	--

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи



Ш.Жоникулов

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси



М.М.Тулаходжаева

МЧЖ шаклидаги “TRANS AUDIT A” аудиторлик ташкилоти директори



У.И.Тулаев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида тайёрланган 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг малака талабларига

ТАҚРИЗ

Республикада магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ва таълим бериш ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган 230000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандартлари ва тегишли мутахассислик малака талабларига мувофиқ амалга оширилади. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар таълим соҳасини, хусусан, унинг асосий норматив ҳужжатларидан бири бўлган малака талабларини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади.

5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг малака талаблари мазмунан илгари амалда бўлган малака талабларидан фарқ қилади. Хусусан, унда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнининг ҳозирги ҳолати ҳамда соҳага оид энг илғор халқаро тажриба инobatга олинган.

Тақризга тақдим этилган 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг малака талабларида 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи, магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар, ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар келтириб ўтилган. Ишлаб чиқилган малака талабларининг яна бир устун жиҳати, унда ўқув жараёнида ўқитилаётган фан профилига мос, таянч маълумот ёки тегишли йўналишга мос илмий даражага эга педагог кадрлар томонидан ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида тайёрланган 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг малака талаблари тўғри шакллантирилган ва мазмунан ўрнатилган талабларга жавоб беради.

Шуни инобатга олган ҳолда мазкур малака талабларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва ўқув жараёнларига татбиқ этиш учун тавсия этиш мумкин.

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар

миллий ассоциацияси кенгаш

раиси, и.ф.д., профессор



М.Тулаходжаева

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент давлат аграр
университети ҳамкорлигида тайёрланган 5A230901 - Бухгалтерия
ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг малака
талабларига***

ТАҚРИЗ

5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) – қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича мутахассис тайёрлайдиган магистратура мутахассислиги бўлиб, унинг асосий вазифаси аграр соҳа, хусусан, агрофирмалар; фермер хўжаликлари; агроماشсервис корхоналари ва лизинг компаниялари; машина-трактор парклари; тайёрлов-таъминот корхоналари; давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқармалари; банклар, давлат солиқ тизими органларида ҳисоб ишларини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритувчи малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

Бугунги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда малака талаблари такомиллаштирилиб борилмоқда. Малака талабларини такомиллаштиришдан мақсад танланган мутахассислик бўйича олинган назарий билимларни амалиётга қўллаш кўникмаларини кучайтиришдан иборат.

Тақризга берилган магистратура мутахассислигининг малака талабларида магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи, магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар ҳамда ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатлар талабларига мос равишда ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илм технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида тайёрланган 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигининг малака талабларида соҳага оид энг илм халқаро тажриба ҳамда тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни инobatга олинган ҳолда унинг илгари амалда бўлган магистратура мутахассислигининг малака талабларига нисбатан мазмунан бойитилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари мантиқан тўғри шаклланган ва мазмунан ўрнатилган талабларга жавоб беради. Шунини инobatга олган ҳолда мазкур малака талабларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва ўқув жараёнларига татбиқ этиш учун тавсия этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тошкент молия институти
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси
доценти, и.ф.ф.д. (PhD)



К.Ибрагимов



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва
илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент
давлат аграр университети ҳамкорлигида тайёрланган 5A230901 -
Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура
мутахассислигининг малака талабларига**

ТАҚРИЗ

Мустақиллик йилларида республикада аграр тармоқни ҳар томонлама босқичма-босқич барқарор иқтисодий ривожлантириш, унинг рақобатбардошлилигини таъминлаш борасида қатор салмоқли ютуқларга эришилди. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш, тармоқ иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва амалга оширилаётган ислохотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқаришда инсон омили родини кескин оширишни, тармоқни мазкур масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлган етук, юқори малакали кадрлар билан таъминлашни талаб этади.

5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган мазкур малака талаблари мазмунан илгари амалда бўлган малака талабларидан фарқ қилади. Мазкур малака талабларида жаҳон таълим тизимидаги етакчи мамлакатлар таълим стандарти тажрибаси умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, тақризга тақдим этилган магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар батафсил келтириб ўтилган.

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш

тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент давлат аграр университети томонидан тайёрланган 5A230901-Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблар мазмунан ўрнатилган талабларга жавоб беради.

Шуни инобатга олган ҳолда мазкур малака талабини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва ўқув жараёнига татбиқ этишга тавсия этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги Ўқув юртлари
ва малака ошириш бўлими бошлиғи**



Ш.Жониқулов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш “Аграр, ўрмон, балиқчилик хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалигида менежмент” ўқув-услугий бирлашмаси йиғилишининг 4-сонли

БАЁННОМАСИ

“5” август 2020 йил

Қибрай тумани

Қатнашдилар: Бирлашма раиси—Б.А.Сулаймонов

Аъзолари: ТошДАУ, ТИҚХММИ, СамВМИ, АндҚХАИ, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ўқув-услугий бошқарма (бўлим) бошлиқлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва таклиф этилганлар

Ўқув-услугий бирлашма котиби: Ўқув-услугий бошқармаси ўқув ишлари бўйича инспектори Д.М.Мустафакулов

Ўқув-услугий бирлашманинг 38 нафар аъзоларидан 31 нафари ҳамда таклиф этилганлар 7 нафар.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимида ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси.

Эшитилди: Ўқув-услугий бирлашма раиси Б.А.Сулаймонов:

1. Ҳаммангизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4795-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича таълимнинг кредит-модуль тизимида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини 2 йил этиб белгиланади. Бакалаврият таълим йўналишларининг сиртки таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, шунингдек, **25 та**

бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва берилган таклифлар асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

